**Ушбу сонда:**
2 «РАҲБАРГА ЁҚМАДИ, ИШДАН БЎШАТИЛДИ...»
3 СПОРТ — СОҒЛОМ АВЛОД ХИЗМАТИДА
4 *Муҳокама учун мавзу* ҚИШЛОҚНИНГ ЧИРОЙЛИ АЁЛИ

# ISHONCH

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

**2004 йил 3 апрел, шанба № 56 (1689)**

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОЛАРИ ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК ТАРАФДОРИ

Сўнгги кунларда террорчиларнинг жиноий ҳаракатлари оқибатида халқимизнинг осойишталиги бузилди. «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази рўй берган воқеалар, давлатимизда хавфсизликни мустаҳкамлаш ва террорчиликка қарши кураш бўйича кўрилаётган чораларга фуқароларнинг муносабатини аниқлаш мақсадида аҳоли ўртасида тезкор сўров ўтказди.

Унда турли этник ва диний гуруҳларга мансуб фуқаролар иштирок этди.

Сўров натижалари фуқароларимизнинг ёвуз кучлар бизнинг мустақиллигимизга, тинчлик ва барқарорлигимизга рахна солиш учун уринаётгани ҳақидаги фикрини намойиш этди (98,9 фоиз).

«Сизнинг фикрингизча, террорчилик ҳаракатлари ташкилотчиларининг мақсади нима?» деган саволга кўпчилик (90 фоиздан ортиқ) террорчилар ва уларнинг ташкилотчилари жамиятимиз тинчлигини бузишни, одамларда саросима уйғотиш ва мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга ишончни йўқотишни мақсад қилган, деб жавоб берди.

Сўров натижалари шуни кўрсатдики, аксарият фуқароларимиз (99,6 фоиз) мамлакат раҳбариятининг хавфсизликни мустаҳкамлаш ва террорчиликка қарши курашни кучайтиришга қаратилган чораларини қўллаб-қувватламоқда. Бундан ташқари, улар давлат аҳолини муҳофаза қилиш ва тинчлик ҳамда осойишталикни мустаҳкамлаш учун барча ишларни амалга ошираётганига ишонч ҳосил қилган.

Шу билан бирга, аҳоли ўртасида ҳушёрлик ва мамлакатда тинчлик ҳамда барқарорликни сақлаш учун фуқаролик масъулиятини ошириш зарурлиги таъкидланган.

**«Ижтимоий фикр» маркази материаллари асосида ЎзА мухбири А.ИВАНОВА тайёрлади.**

## ЁВУЗ КУЧЛАР НИЯТИГА ЕТОЛМАЙДИ

Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятида содир этилган террорчилик хуружлари муносабати билан Мирзо Ғолиб маҳалласида йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда сўзга чиққанлар содир этилган мудҳиш террорчилик ҳаракатлари мамлакатимиз хотин-қизлари қалбини ҳам ларзага солганини таъкидладилар. Бу воқеалар тинч ва осуда ҳаётимизни кўролмайдиган ёвуз кучларнинг эл-юртимиз осойишталигини бузиб, одамлар юрагига ғулғула солиш, эзгу ва хайрли ишларимизга тўсиқ қўйишга қаратилган. Лекин улар бу манфур ниятларига ҳеч қачон эришолмайди.

Бундай вазиятда халқимиз Юртбошимиз атрофида жипслашиб, террорчилар ҳаракатларига қарши ўзининг аҳиллиги, огоҳлиги ва ҳушёрлиги билан муносиб жавоб беради, деб таъкидланди. Зеро, аҳил ва иноқ, бир мақсад сари қатъий турган халқни ҳеч қандай куч енга олмайди.

Йиғилишда Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон телевидениесига берган интервьюсида истиқлолимизни янада мустаҳкамлаш, аҳоли, айниқса, ёшлар қалби ва онгига Ватанга, халққа меҳр-муҳаббат туйғуларини сингдириш борасида қўйилган вазифаларни амалга оширишда хотин-қизлар ташкилотлари, маҳаллалар фаоллари олдида турган вазифалар режаси белгилаб олинди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова сўзга чиқди.

**(ЎзА)**

## ЖУРНАЛИСТЛАР УЧУН БРИФИНГ

***Республика Бош прокуратурасида хорижий ва мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Рашид Қодиров март ойининг охирида Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятида содир этилган террорчилик хуружларини текшириш бўйича олиб борилаётган ишлар билан таништирди. У таъкидладики, барча воқеалар бўйича жиноий ишлар қўзғатилган ва тергов олиб борилмоқда. Тезкор қидирув маълумотлари асосида ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан террорчилик актларига дахлдор шахсларни аниқ-



лаш, топиш ва қўлга олиш бўйича зарур чоралар кўрилмоқда.

Сўнгги кунлардаги террорчиликка алоқадор воқеалардан бири -Бухоро вилоятининг Ромитан туманида 1 апрел куни рўй берган ҳодиса тафсилотлари маълум қилинди. Хусусан, Фароғат Акромова ўз уйида қўлбола портлаш мосламасини ишга туширган. Натижада у оғир жароҳат олиб, касалхонага ёткизилган, 10 ёшли Зарина Саидова эса портлаш содир бўлган жойда ҳалок бўлган, бошқа жабрланганлар йўқ. Аниқланишича, Акромова 28 март куни шу тумандаги Раззоқовлар уйида рўй берган портлаш пайтида ҳалок бўлган Бобур Омоновнинг беваси, Саидова эса унинг синглиси экан.

Текшириш давомида террорчиларнинг ёвузликларига оид бошқа фактлар ҳам аниқланмоқда. Хусусан, жиноятчиларнинг ўзлари томонидан ясалган портлаш мосламаларининг портлаши туфайли ҳамда махсус операциялар давомида 33 нафар террорчи йўқ қилинган, улардан етти нафари аёллардир.

Бугунги кунда террорчиликка дахлдорликда гумон қилинаётган 19 киши қўлга олинган, уларнинг тўрт нафари хотин-қизлардир. Уларни қўлга олиш пайтида жиноят жойида шахсни тасдиқловчи кўп миқдордаги қалбаки ҳужжатлар топилди. Ҳужжатларнинг қаерда тайёрлангани синчковлик билан ўрганилмоқда.

Террорчиларнинг қурол-яроғ арсеналида 55 дона қўлбола портлаш мосламаси, алюмин кукуни, аммиак селитраси аралашмаси солинган 72 та ярим литрли пластмасса идиш, қўлбола портлатиш мосламасини тайёрлаш учун мўлжалланган компонентлар: 271 та электродетонатор, 210 та микросхема, 64 та тумблер-переключатель, 300 метр сим, 8 та СВ-4 қўлбола портлатиш мосламаси заряди, 30 килограммдан ортиқ болт, гайка, шайба, зўлдир ва бошқа металл буюмлар, шунингдек, портла-



тиш мосламаларини ясашга оид зарур йўриқномалар топилган.

Бундан ташқари, 2 тоннадан ортиқ алюмин кукуни, аммиак селитраси ва уларнинг аралашмаси, 7 та «Калашников» автомати, 11 та турли русумдаги пистолет, автомат ва пистолетлар учун 2 мингта жан-



говар ўқлар, 2 та жанговар граната топилган.

Ана шу буюмларнинг келиб чиқиши ҳамда портловчи моддалар таркиби бўйича криминалистик экспертизалар ўтказилмоқда. Шу билан бирга, қўлга олинган диний адабиётлар қайси ақидапарастлик диний оқимга мансублиги мутахассислар томонидан ўрганилмоқда.

Бош прокурор тергов жараёнида ушбу ёвузликлар уюшган ягона жиноий марказ орқали бошқариладиган жиноий гуруҳ томонидан содир этилганлиги ишончли далиллар асосида аниқланганлигини маълум қилди. Мазкур гуруҳ аъзоларининг аксарияти республикамиздан ташқарида жанговар тайёргарликдан ўтган. Булар Ўзбекистондаги террорчилик ҳаракатлари халқаро террорчилик ташкилотлари томонидан содир этилган, дейишга асос бўлади.

Бош прокурор тергов жараёни хусусида журналистлар ва жамоатчилик мунтазам равишда хабардор қилиб борилишини қайд этди.

**(ЎзА)**

## ЮРТ КОРИГА ЯРАГАН ЎҒЛОН

*Мардлик — мангулик*

***Баҳор кезлари Қибрай туманининг қишлоқлари, далаю яйловлари яшнаб-яшариб кетади. Олислардан эсаётган сабо гулу чечаклар ҳидини димоққа уфуради. Бу ернинг одамлари ҳақиқий миришкор, уста боғбон. Айни пайтда ғоятда ориятли, ғурурли. Авлоддан-авлодга ўтиб келаётган анъаналар, меҳнатга эрта кўнгил қўйиш ўғил-қизларни чиниқтиради, соғлом, бақувват бўлиб ўсишларини таъминлайди. Ёшу қари иззатини жойига қўядиган тиниб-тинчимас инсон Мирзабек аканинг ҳаёти, фарзандларининг одамохунлиги, паҳлавонкелбатлиги, кўпнинг ишига камарбасталигига ҳавас қилишади. Айниқса, тўнғич фарзанди Зоитбек бошқача чиқди. Камгап, ўта тиришқоқ, мақсад сари дадил интиладиган йигитни барча ёқтирарди. Қишлоқда, оилада бирон муаммо туғилса, кимнингдир мушкулини осон этишга тўғри келса, Зоитбек биринчилардан бўлиб ёрдамга шошиларди.***



У Чинобод фуқаролик йиғини, «Ўткир» маҳалласида вояга етди. Мактабни муваффақиятли тугатгач, ҳарбий хизматга отланди. 1993 йилдан орзу қилгани – Тошкент шаҳар ИИББнинг ППХ-2 ротасида милиционер сифатида фаолият кўрсата бошлади. Муайян вақт ўтгач, Қибрай тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлимига ўтказилди. Хизмат давомида ғоятда ҳушёр, интизомли, қатъиятли ходим сифатида касбдошларига ўрнак бўлди. Унинг орзулари кўп эди. 15 майда қирқ ёшга тўламан, дўстларимни, қишлоқдошларимни катта даврага таклиф этаман, дея ният қилганди. Бироқ ниятига етолмади. Ўттизинчи мартга ўтар кечаси жасур милиция ходими ўз хизмат вазифасини ўтаётган пайтда ярамас террорчилар билан тўқнашув бўлди. Шунда Зоитбек мардлик кўрсатиб, ёвузларнинг додини берди. Бироқ, афсуски, олишувда ҳалок бўлди.

Ҳеч кимга фарзанд доғини кўрсатмасин. Отаси Мирзабек ака билан суҳбатлашар эканмиз унинг нақадар изтироб чекаётганлигини кўриб эзилдик.

– Уч нафар фарзандини, рафиқасини қандай овутишни билмай икки карра куюнаман, - дейди у. – Бироқ кўнгилга таскин берадигани фарзандим шу муқаддас заминимизни ярамас террорчилардан тозалашда жасурлик кўрсатиб, мардларча ҳалок бўлди. Унинг жасорати, ажойиб фазилатлари бошқаларга намуна бўлади.

Шу куни бутун туман аҳли номини зўр ҳурмат билан тилга олаётган Зоитбек Аҳмедовнинг ўқитувчиси Кулчатой Тостанбоева, қадрдон дўстларидан Пўлат Бегимбетовлар билан суҳбатда бўлдик. Беихтиёр муаллима дил сўзларини ифода этди.

– Зоитбек ёшлигидан ўзини ҳаётга шайлади. Жисмоний тарбия, спорт билан алоҳида шуғулланди. Оғир меҳнатдан қочмасди. Худойим бу йигитга кўп нарсани ато қилганди. Қишлоғимизда осуда ҳаётни таъминлаш, ёшларни анъаналарга муносиб равишда тарбиялашга катта ҳисса қўшди. Ёдимда унинг саъй-ҳаракати билан боқувчисини йўқотган муштипар онанинг уйи таъмирдан чиқарилганди. Кўпнинг дуосини олган, қишлоғимиз файзи бўлган инсон орамизда энди йўқ. Лекин унинг номи барча-барчани улуғ ишларга руҳлантириб туради. Мен ўз ўқувчим билан фахрланаман!

Ким билан фикрлашмайлик, марҳум милиция ходими ҳақида тўлқинланиб, зўр ҳаяжон, айни пайтда чуқур ҳурмат билан ҳикоя қилардилар. Айниқса, 80 ёшли Нормирза отанинг сўзлари барчани ғоятда таъсирлантирди.

– Бир киши ўзига қадрдон бўлиб қолган туясини йўқотиб қўйибди, - дея сўзлай кетди нуроний. – Излай-излай уни бошқа бир инсон овулидан топибди. Бироқ, туя ниҳоятда чиройли бўлганлиги учун хонадон соҳиби уни бериб юборгиси келмасди. Охири, ўйлай-ўйлай: майли, агар туя ҳақиқий сеники эканлигини исботлай олсанг, олиб кетавер, дебди. Шунда жониворнинг эгаси: бунинг учун туяни сўямиз, унинг жигарида чандиқ бор. Уни кўргач гапим ростлигига ишонч ҳосил қиласиз. Ютсам ўнта туя сиздан, дебди. Уй эгаси ўйлай-ўйлай рози бўлибди. Қарангки, ҳақиқатан ҳам туянинг жигарида тангадек чандиқ бор экан. Маълум бўлишича, бултур кузда унинг бўталоғи нобуд бўлган экан... Туя-ку бир жонзот. Энди Аҳмедовлар оиласининг ҳолатини ўзингиз билиб олаверинг.

Ҳа, ота учун кўзини қувнатиб юрган суянчиғидан айрилиш ғоятда оғир. Бироқ, ҳаётда Зоитбек каби мард, жасур ўғлонлар бор экан, Ватанимиз осмони мусаффо, ҳаётимиз тинч-осуда ўтади. Асл ўғлонлар юрт корига ҳамиша камарбастадирлар.

**Абдулҳай ЮНУСОВ, Ҳикматуллоҳ ҚОДИРОВ, «Ишонч» мухбирлари**

## МАХСУС ДАСТУР АСОСИДА

Европа Иттифоқининг Оролбўйи аҳолиси саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган махсус дастурига мувофиқ Нукус шаҳри, Беруний, Амударё, Қўнғирот, Мўйноқ ва Чимбой туманларининг тиббиёт ходимлари замонавий усулда ташхис қўйиш ва даволаш бўйича махсус курсларда ўқитилди. Клиника, ташхис ва санитария-эпидемиология назорат марказига қарашли лабораториялари эса 200 минг евролик замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланди.

Лойиҳа бўйича ишлар қизғин давом этмоқда.



Республика Геология ва минерал ресурслар Давлат қўмитаси тасарруфидаги «Самарқанд геологи» корхонаси жамоаси ер бағридан руда заҳираларини топиш ва унинг бойлигини аниқлаб беришда яхши натижаларга эришмоқда.

– Қўшработдаги Гужумсой ва Чорметан, Ғаллаоролдаги Жанубий ва Маржонбулоқ руда конларидаги олтин заҳиралари ўзининг сифати билан ажралиб туради, - дейди «Самарқанд геологи» корхонаси раҳбари Мусин Каримов. – Эътиборли томони, шу йилнинг ўтган уч ойида қўшработлик геологлар 320 миллион сўмлик иш бажардилар.

**Суратда: экскаватор машинисти Носир Қўзиев.**

**Т.НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат**

## ПРЕЗИДЕНТНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТЛАРИ

Шу йил 1 апрелда Президент Ислом Каримов НАТО Бош котиби Яап де Хооп Схеффер билан телефон орқали мулоқотда бўлди.

НАТО Бош котиби мазкур халқаро ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарлари номидан Ўзбекистон билан ҳамжиҳатлигини таъкидлаб, террорчилик ҳаракатлари оқибатида ҳалок бўлганлар ва жабр чекканларнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдирди.

Мулоқот чоғида минтақадаги вазият юзасидан ҳам фикр алмашилди. Асосий эътибор Афғонистондаги вазиятга қаратилди. Афғонистонда АЙСЕФ операциясини амалга ошириш бўйича Ўзбекистон билан ҳамкорлик масалалари муҳокама этилди.

* * *

2 апрел куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Америка Қўшма Штатлари Президенти Жорж Буш билан телефон орқали суҳбати бўлиб ўтди. АҚШ Президенти террорчилик ҳаракатлари қурбонлари оила аъзоларига ҳамдардлик билдирди ва Ўзбекистон халқини қўллаб-қувватлашини таъкидлади.

Жорж Буш Ўзбекистондаги террорчилик хуружлари халқаро террорчилик жиноятларининг узвий қисми, яъни бир кўриниши эканлигини қайд этди.

Бегуноҳ қурбонлар бўлишига йўл қўймаслик юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш ва бу борада барча юридик меъёрларга қатъий амал қилиш лозимлиги таъкидланди.

АҚШ Президенти мазкур жиноятлар фош этилишига ва айбдорлар суд олдида жавоб беришига қатъий ишонч билдирди.

## ЧУҚУР ҲАМДАРДЛИК

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Президент жаноблари,

Яқинда Ўзбекистонни қайғуга солган қатор террорчилик ҳаракатлари тўғрисидаги хабарни қайғу билан қабул қилдим. Ушбу оғир дамларда Сизга ва бутун ўзбек халқига, ҳалок бўлганларнинг қариндош-уруғлари ва яқинларига чин юракдан таъзияларимни йўллайман.

Франция ҳам терроризмдан жабр кўрган, шу боис у сизларнинг бундай офатга қарши курашингиз билан бирдамлигини изҳор қилади. Сиз ўзингиз таъкидлаганингиздек, «қора кучлар» Ўзбекистонни ўзи танлаб олган йўлдан, сиёсий ислоҳотларни давом эттириш ва ижтимоий адолатни мустаҳкамлаш йўлидан четга чиқара олмаслиги муҳимдир.

Президент жаноблари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

**Жак ШИРАК,**
**Франция Республикаси Президенти**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Тошкентда ва Бухоро вилоятида содир этилган террорчилик ҳаракатлари натижасида бегуноҳ фуқаролардан 19 киши ҳалок бўлгани ва кўп одамлар жароҳатланганлиги муносабати билан болгар халқи ва шахсан ўз номимдан Сизга чин юракдан ғоят чуқур ҳамдардлик изҳор этаман.

Болгария Республикаси ана шу жиноятларни қатъиян қоралайди. Бундай жиноятлар халқаро терроризмга қарши курашда яна ҳам кўпроқ жипслашган ҳолда ҳамкорлик қилиш ва терроризмга қарши коалициянинг куч-ғайратларини мувофиқлаштириш зарурлигига ишончимизни мустаҳкамлайди.

Ҳалок бўлганлар ва азият чекканларнинг оилалари ҳамда яқинларига бизнинг таъзия ва ҳамдардлигимизни етказишингизни сўрайман.

**Георги ПАРВАНОВ,**
**Болгария Республикаси Президенти**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Тошкент ва Бухоро вилоятида содир этилган террорчилик ҳаракатлари кўплаб кишиларнинг қурбон бўлишига олиб келганлиги муносабати билан Украина халқи ва шахсан ўз номимдан чин юракдан йўллаётган чуқур ҳамдардлигимизни қабул қилгайсиз.

Шафқатсиз ва сурбетларча қилинган бундай қонли жиноят Украинанинг ҳар бир фуқароси қалбида қаҳр-ғазаб уйғотмоқда. Шуни таъкидлашни истардимки, биз жаҳон ҳамжамиятининг терроризмга қарши курашга қаратилган саъй-ҳаракатларини қатъий равишда қўллаб-қувватлаймиз. Ҳеч шубҳа йўқки, бугунги кунда терроризм халқаро хавфсизликка бутун дунё миқёсида таҳдид солмоқда.

Шу оғир дамларда украин халқи дўст Ўзбекистон халқи билан бирга қайғудадир.

Ҳалок бўлганлар ҳамда азият чекканларнинг қариндош-уруғлари ва яқинларига менинг чин юракдан билдирган ҳамдардлик сўзларимни етказишингизни сўрайман.

Чуқур ҳурмат билан,

**Леонид КУЧМА,**
**Украина Президенти**

* * *

### Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Ижрочи котиби Чжан Дэгуаннинг Ўзбекистондаги террорчилик ҳаракатлари хусусида берган баёноти

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлардан бири -Ўзбекистон Республикасининг Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятида март ойининг охирларида рўй берган қатор террорчилик ҳаракатлари одамларнинг қурбон бўлишига олиб келди. Мен ана шу террорчилик хуружларини қатъиян қоралаб, азият чекканларга, ҳалок бўлганларнинг қариндош-уруғлари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этаман.

Ушбу террорчилик ҳаракатлари яна бир бор шуни тасдиқламоқдаки, ҳозирги вақтда терроризм, сепаратизм ва экстремизм кучлари мазкур минтақага ҳамон хавф-хатар солиб турган асосий кучлар бўлиб қолмоқда. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Ўзбекистон ҳукуматининг терроризмга қарши курашга ва мамлакат ичкарисида барқарорликни таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди, халқаро ҳамжамият билан баҳамжиҳат ҳаракат ва ҳамкорликни мустаҳкамлайди, минтақада ва бутун дунёда тинчлик ҳамда барқарорликни биргаликдаги куч-ғайратлар билан таъминлаш мақсадида «учта ёвуз куч»га қарши қатъий кураш олиб бораверади.

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Содир этилган террорчилик ҳаракатлари муносабати билан ҳалок бўлганларнинг оилаларига ҳамда Ўзбекистон халқига беларус халқи ва шахсан ўз номимдан чуқур ҳамдардлик изҳор қиламан.

Ҳар қандай зўравонлик тинчликка хавф туғдиради. Терроризмнинг барча кўринишларини таг-томири билан тугатиш учун халқаро ҳамжамиятни жипслаштириш зарур бўлади.

Ишончим комилки, ана шу ножоиз ёвузликларнинг ташкилотчилари ва ижрочилари қилмишларига яраша жазоланадилар.

Эҳтиром ила,

**Александр ЛУКАШЕНКО,**
**Беларус Республикаси Президенти**

*Жамоа шартномалари қандай бажарилмоқда*

# МАОШ САҚЛАНГАН ҲОЛДА ҚЎШИМЧА ТАЪТИЛ

***Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, касаба уюшмалари иш услуби ҳам ўзгариб, ташаббусга кенг ўрин берилди. Натижада республикамиздаги энг оммавий жамоат ташкилотининг меҳнаткашлар ғамхўрлиги йўлидаги фаолият доираси кенгайди.***

***Мухбиримизнинг Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитасининг раиси Тоҳир Назаржонов билан қилган суҳбатининг мавзуси ҳам шу ҳақда бўлди.***



- Дарҳақиқат, иқтисодий соҳада ва жамоатчилик ҳаётидаги эркинлаштириш шароитида иш берувчилар ва ходимлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг тамойиллари тубдан ўзгариб бормоқда. Шундай шароитда касаба уюшмаларининг асосий вазифаси аъзоларнинг меҳнат, ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишдир. Чунки ҳар бир инсон ўзига кўрсатилаётган ғамхўрликни ҳис этса, бажарётган ишининг салмоғи, сифати ошади. Бунда раҳбарият ва касаба уюшма қўмитаси ўртасида имзоланадиган жамоа келишувлари ҳамда шартномалар қўл келади. Чунки мазкур ҳужжатда корхонадан тортиб, то тармоқ миқёсигача бўладиган муносабатлар қамраб олинади. Бугунги кунда меҳнатга ҳақ тўлаш нормалари, тизими ва миқдори, ходимлар учун кафолат ва имтиёзлар айнан шу ҳужжатда ўз аксини топмоқда. Шунингдек, унда меҳнат муҳофазасига маблағ ажратиш, хавфсиз иш шароитини яратиш ва бошқа масалаларга бағишланган махсус бандлар ҳам мавжуд.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси, «Ўзбекистон почтаси» ҳамда «Матбуот тарқатувчи» Давлат акциядорлик компаниялари билан Марказий қўмита ўртасида келишувлар, корхона ва ташкилотларда жамоа шартномалари тузилган. Натижада 99,7 фоиз тармоқ ходимлари жамоа шартномаларида кўзда тутилган турли имтиёзлардан фойдаланишмоқда. Шу ўринда, бу имтиёзлар нималардан иборат, деган савол туғилиши табиий. Масалан, меҳнат таътили қонунда 15 кун этиб белгиланган. Келишувларда эса у 18 иш кунга узайтирилган. Бунга зарарли, оғир ва бошқа меҳнат шароитлари учун бериладиган қўшимча таътил кирмайди. Ходимларнинг оилавий шароитига кўра бир кундан беш кунгача иш ҳақи сақланган ҳолда қўшимча таътил ҳам берилмоқда. Ойлик маошда ҳам тармоқ меҳнаткашлари имтиёзга эгадирлар. Ҳар бир ходим ойига 530 сўм аъзолик бадали тўлаган ҳолда, қўшимча 20 минг 700 сўм ҳақ олмоқда.

Эътиборли томони шундаки, жойлардаги жамоа шартномаларида акс этган имтиёзлар келишувларда белгиланганидан кам бўлиши мумкин эмас. Маошнинг шу даражадан юқори бўлиши ҳамда қўшимча имтиёзлар бериш корхонанинг ихтиёрида.

**- Демак келишувлар қанчалик мукаммал ва имтиёзларга бой бўлса, жамоа шартномалари ҳам тўлақонли тузилар эканда.**

- Ҳа, албатта. Лекин келишувларни ишлаб чиқиш жараёнида агентликнинг ҳамда компанияларнинг имкониятлари синчиклаб ўрганиб чиқилади. Имтиёзлар эса имкониятдан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Шунингдек, жойлардаги жамоа шартномаларининг бажарилиши йил давомида камида икки марта муҳокама этиб борилмоқда. Марказий қўмита йилнинг ҳар чорагида ўртача иш ҳақининг қабул қилинган даражага етказилишини таҳлил этиб боради. Натижалар эса компанияларнинг раҳбарларига тегишли чора кўриш учун тақдим этилади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳар бир инсон ўзга бир олам. Корхона раҳбари, иш берувчи агар узоқни кўзлаган бўлса, аввало ишловчилар кайфияти, орзу интилишларидан бохабар бўлади. Одамлар ўзларига бош бўлган кишининг омилкор, уддабурон, айни пайтда бир сўзли эканлигига ишонч ҳосил қилганларидан сўнггина унга эргашадилар. Замон ўзгарди. Энди ходимларни қуруқ ваъдалар билан алдаб бўлмайди. Улар биздан ҳамиша амалий ҳаракатларни кутадилар. Фикримча жамоадаги муҳит, шаклланаётган хайрли ҳаракатлар, ташаббуслар билан қизиқиб бориш, лозим бўлганида уларни қўллаб-қувватлаш ғоятда муҳим. Ишчи-хизматчилардан йироқлашиб қолган, маданий-маиший шароитлар билан унча қизиқмайдиган етакчилар кўп нарсани йўқотишади. Буни тушуниб етганларида эса афсуски, кеч бўлади. Шу боис жамоа шартномаларининг бажарилишини, муҳокама этиш туман ва шаҳар электр ва почта алоқалари бўлинмаларида, участкаларида, цехларида муттасил равишда амалга оширилмоқда. Ўтган йили жамоа шартномаларининг бажарилиши барча корхона ташкилотларининг йиғилишларида, келишувлар ижроси эса акциядорлик компаниялари Директорлар кенгаши ва Марказий қўмита раёсатининг қўшма мажлисларида муҳокама этиб борилди. Шу ҳаракатлар натижасида келишувлар ва жамоа шартномаларида қабул қилинган икки томонлама мажбуриятларнинг бажарилиши 99,4 фоизни ташкил этди. Ўртача ойлик 53,7 минг сўмга етди. Бу борада «Бухоротелеком», «Тошкенттелеком», «Тошкент шаҳар телефон тармоқлари» каби бир қатор корхоналарда яхши натижаларга эришилиб, иш ҳақи ўз вақтида бериб борилди. Алоқа соҳасида узоқ йил ишлаган 22 минг 65 нафар ходимга ҳар ойда қўшимча ҳақ тўланди. Шу билан бирга касб маҳорати юқори ва меҳнатдаги ютуқлари, яқинларини дафн этиш, биринчи марта қонуний никоҳдан ўтаётганларга ҳам қўшимча ҳақ тўланди.

**- Жамоа келишувлари ҳамда шартномаларини бажарилишига эътибор ҳамма ерда бир хил бўлмаса керак?**

- Ўтган йил давомида «Қорақалпоқтелеком», «Самарқандтелеком», «Сурхондарё почтаси» каби корхоналарда ҳамда «Алоқаинвест» акциядорлик жамиятининг айрим таркибий бўлинмаларида иш ҳақини кечиктириб тўлаш ҳолатлари содир бўлди. Баъзи иш берувчилар иш ҳақини жамоа шартномаларида қабул қилинган даражага етказиш борасида етарлича иш олиб бормадилар. «Жиззахтелеком», «Тошкенттаксофони» қўшма корхонаси, «Қашқадарё почтаси», «Фарғона почтаси» акциядорлик жамиятлари шулар жумласидандир. Андижон «Матбуот уюшмаси», «Хоразмтелеком», биринчи марта никоҳдан ўтган ёшларга келишувда кўзда тутилганидан кам миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди. Бу мисоллар кўпроқ изланишимиз лозимлигини кўрсатиб турибди.

Бизнинг олдимизда турган яна бир вазифа тармоқ меҳнаткашларининг ишлаб чиқаришга бўлган ижобий муносабатларини оширишдир.

**Суҳбатдош:**
**Неъмат РАФИҚОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Касаба уюшмалари бозор шароитида*

# ЙЎЛЛАНМАНИНГ 80 ФОИЗИ КОРХОНА ҲИСОБИДАН

Янги иқтисодий шароитда асосий эътиборни касаба уюшма аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий, маънавий ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратмоқдамиз. Бу ишларни амалга оширишда корхона раҳбарияти билан тузилган шартномаларнинг ўрни катта бўлмоқда. Корхонамизда ишчи-хизматчиларнинг яхши ишлашлари ва дам олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Корхона ишчи-хизматчиларининг ишга келишлари ва қайтишлари учун бепул автобуслар ташкил этилди. Барча цехларда касаба уюшма бурчаклари мавжуд. Ҳар йили ёзги таътил даврида ишчи-хизматчиларнинг фарзандларини соғломлаштириш ва дам олдириш уюшқоқлик билан ўтказилмоқда. 2003 йил жами 436 нафар ишчи-хизматчилар фарзандлари болалар оромгоҳларида дам олдирилди. Йўлланма баҳосининг 50 фоизи корхона ҳисобидан ва қолган 50 фоизи ижтимоий суғурта маблағи ҳисобидан сарфланди. Корхонамиз ташкил топгандан буён ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат таътили даврида дам олишлари ва соғлиқларини тиклашлари учун барча шароитлар яратилди. Санаторий ва дам олиш уйларига берилаётган йўлланмаларнинг тўлови жамоа шартномасига асосан 40 фоиз ўрнига 20 фоизга туширилди. Ўтган йили Андижон вилоят клиника шифохонаси билан тузилган шартномага кўра 20 нафар ишчи-хизматчи даволантирилди.

Ходимларнинг пенсияга чиқиш пайтида корхона ҳисобидан моддий ёрдам пули, касаба уюшма бюджетидан эса ҳар хил эсдалик совғалари бериб борилмоқда. Ҳар йили футбол ва волейбол бўйича «Тико», «Олтин куз» кубоги, «Хотира» турнири ўтказилмоқда. Меҳр ва мурувват борасида ҳам таҳсинга лойиқ ишлар амалга оширияпти. Масалан, корхонамиз оталиққа олган Муқимий маҳалласида яшовчи бир гуруҳ шароити оғир қарияларга озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Маҳалла аҳлига эса спорт майдончалари қуриб берилди. Уларни қуриш учун корхона ҳисобидан 1 миллион 520 минг сўм маблағ сарфланди. Шунингдек, маҳалла қўмитасининг хоналари тубдан таъмирлаб берилди. Болаларнинг ёзги таътил даврида мазкур маҳаллада шароити оғир бўлган оилалар фарзандларидан 25 нафари вилоятимизнинг энг яхши, хушманзара оромгоҳларида дам олдирилди. Маҳалла ҳудудидаги 21-болалар боғчаси ва 10-ўрта мактаб таъмирдан чиқарилди.

**М.ОЛИМОВ**
**ЎзДЭУавто қўшма корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси**

*Қонун барчага баробар*

***Хоразм вилоят касаба уюшмалари Кенгаши аъзоларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш борасида фаол иш олиб бораётир. Хусусан, ўтган давр ичида касаба уюшма фаолларининг ҳуқуқий билимини оширишга доир ўқув-семинарлар ташкил этилди. Ўтган йилда 360 нафардан ортиқ фуқаронинг арзи тингланиб, 345 нафарига ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди. 18 дан зиёд ариза ва шикоятлар жойларга юборилиб, ўша ернинг ўзида ижобий ҳал қилинди.***

# ЎН МИЛЛИОН СЎМ

## аризачилар фойдасига

10 нафар касаба уюшма аъзоси ғайриқонуний ишдан бўшатилганлиги сабабли суд орқали ўз лавозимларига қайта тикланди. Урганч шаҳридаги 9-болалар боғча мудираси Н.Юсупова, вилоят Давлат солиқ бошқармаси ходими М.Раҳимова, вилоят «Нотурар жой бино ва иншоотларни ҳисобга олиш ва рўйхатга олиш масалалари» бошқармаси ходимлари Р.Диванова ва А.Дивановлар ана шулар жумласидандир.

Кенгашга айрим иш берувчилар ходимларнинг соғлиғига етказилган зарарларни тўлашдан бўйин товлаётганлари тўғрисида мурожаатлар тушди. Бу масалани ҳал этиш борасида ҳам қатъий ҳаракат қилинди. Пировардида аризачилар фойдасига 10 миллион сўмдан зиёд маблағ ундирилди. Меҳнат қонунчилигининг қай тарзда бажарилиши ҳам Кенгаш назоратида. Жами 56 та муассасада унинг ижроси ўрганилди. Боғот, Хонқа, Урганч туманларида ва ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими бошқармасига қарашли ўқув-муассасаларидаги мавжуд қонунбузилишларни бартараф этиш мақсадида маъмуриятларга ёзма тақдимномалар киритилди.

Кенгашда тартиб-қоидаларни белгиловчи ички меҳнат интизоми ишлаб чиқилган. Шунинг учун ҳам ишга қабул қилиш меҳнат шартномаси асосида олиб борилмоқда.

**А.РАҲИМОВ,**
**Хоразм вилоят касаба уюшмалари Кенгаши ҳуқуқ бўлими мудири**

Туямўйин қурилиш-таъмирлаш шуъба корхонаси жамоаси ҳам ўз олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли ҳал этмоқда. Корхона ўтган йили 881 миллион сўмлик иш бажарди. Бунинг эвазига мўмайгина даромад олди. Корхона ишчиларни ижтимоий ҳимоялашга катта эътибор қаратилаётир. 343 нафар ишчи-хизматчи учун барча қулайликлар яратиб берилган.

**Суратларда: Ҳазорасп туман агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси Абдулла Мадрасулов; корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Шоназар Қозоқов, корхона ишчиси Бахтиёр Ҳасанов.**

**Питнак шаҳар касаба уюшма ташкилотчиси Бекжон Авазов; корхона ҳисобчиси Саъдулла Абдуллаев.**





**Икром ҲАСАНОВ олган суратлар**

## ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ТАЛАБИ БИЛАН

***Ўтган йили Бухоро вилояти монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари бузилганлиги юзасидан 143 та шикоятни кўриб чиқди.***

Кўриб чиқилган хат ва шикоятлар бўйича 34 та кўрсатма юборилди ва истеъмолчиларга 597,2 минг сўм миқдоридаги зарар ундириб берилди, - деди ҳудудий бошқарма бошлиғи Ғулом Сафаров "Туркистон пресс" мухбирига. –Истагимиз, истеъмолчи ўз ҳақ ҳуқуқини билсин ва уни талаб қилсин. Айтиш керакки, бу йўналишдаги камчиликлар аста-секин йўқолмоқда. Истеъмолчи тобора ўз ҳақ ҳуқуқларини таниб бормоқда.

Қонунда белгиланган тартибга кўра хўжалик юритувчи субъектларнинг акцияларни 35 фоиз ва ундан кўп миқдорда сотиб олишлари бўйича мурожаати кўриб чиқилди. 2003 йилда бошқарма томонидан олтита мурожаат иши кўрилиб, текширув ва мониторинглар натижасига кўра уларнинг бештасига розилик берилди.

## ИМКОНИЯТ ВА НАТИЖА

***Ўтган мавсумда "Пешку пахта тозалаш заводи" очиқ акциядорлик жамияти 35,4 минг тонна хомашё қабул қилган эди. Айни пайтда шундан 24 минг тоннаси қайта ишланди.***

- Хомашёдан ўртача 32,5 фоиз миқдорида тола чиқяпти, деди, завод муҳандиси Чори Асадов "Туркистон-пресс" мухбирига. - Биз ҳар куни олий сифатли толани экспортга жўнатаяпмиз. Асосий истеъмолчиларимиз Хитой, Австралия, Сингапур ва Жанубий Корея мамлакатлари ҳисобланади.

Ч.Асадовнинг айтишига кўра, ҳосилнинг эрта йиғиб-териб олинишi ҳисобига бу йил хомашё сифати янада ошади. Чунки туманда чигит экиш ишлари ниҳоясига етказилмоқда.

## ҚУЛАЙ КАРТОЧКАЛАР

***Жорий йилнинг апрел ойидан «Бизнес-банк» хусусий очиқ акционерлик-тижорат банки иш ҳақи бўйича лойиҳа доирасида «Express» сўмлик кредит карточкасини чиқара бошлади.***

Бундай карточкалар бўйича бериладиган кредит миқдори ҳар ойда иш ҳақининг 50 фоизини ташкил қилади. Кредит маблағларидан фойдалангани учун истеъмолчи бир йиллик даромадининг 30 фоизи миқдорида ҳақ тўлайди. Банк учун бундай карточка чиқариш текин бўлиб, йиллик хизмат кўрсатиш 18 000 сўмни ташкил этади.

Бундай карточкалар маблағларни нақд пулга айлантириш учун мўлжалланмаган, улар супермаркетлар, уяли алоқа компаниялари, кийим-кечак ва атторлик буюмлари дўконларида товар ва хизматлар учун пул ўтказиш йўли билан ҳисоб-китоб қилиш учун жуда қулай. Бу ерларда мазкур банк терминаллари ўрнатилган. Вақт ўтиши билан бундай шохобчалар рўйхати янада тўлдирилади.

## ХУСУСИЙ КЛИНИКА

Янгийўл шаҳрида олий тоифали шифокор Дониёр Абдукаримов очган замонавий шифо масканида аҳолини тиббий кўрикдан ўтказиш, ташхис қўйиш ҳамда даволаш учун барча шароит мавжуд. Ўн олти ўринли стационар, биокимёвий ва клиник лаборатория ишлаб турибди. Беш шифокор, олти ўрта тиббиёт ходими аҳолига малакали хизмат кўрсатмоқда.

*Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик*

# «РАҲБАРГА ЁҚМАДИ, ИШДАН БЎШАТИЛДИ...»

***Бугунги кунда касаба уюшма тизимида фаолият кўрсаётган ҳуқуқшунослар жойларда бўлиб, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастурининг қай тарзда бажарилаётгани ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексига қандай риоя қилинаётганлигини мунтазам равишда кузатиб боришяпти.***

Хусусан, улар томонидан корхона, ташкилот ва муассасаларда, маҳаллаларда семинарлар, учрашув ва савол-жавоб кечалари ўтказилмоқда. Меҳнатга оид ва бошқа бир қатор қонунларни тарғиб қилишда оммавий ахборот воситалари, радио ва телевидениедан ҳам самарали фойдаланилмоқда. Бундан ташқари, давлат бошқарув органлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамда Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили – Омбудсманнинг ҳудудий вакили билан ҳамкорлик ўрнатилган. Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг «Инсон манфаати» ахборотномасида «Савол беринг, жавоб берамиз» рукни ташкил этилиб, унда малакали ҳуқуқшунослар ва тегишли соҳа мутахассислари аҳолидан тушган саволларга жавоб бериб келмоқда. Бошланғич касаба уюшма ташкилотларини зарур юридик адабиётлар, методик қўлланмалар билан таъминлашга ҳам катта аҳамият берилаётир. Жамоа шартномаларини тузиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилиб, қуйи бўғинларга юборилмоқда.

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати, авиация ходимлари касаба уюшмалари Марказий қўмиталари ва Хоразм вилоят касаба уюшма Кенгаши фаолияти кўздан кечирилганда, бу борадаги ибратли ишлар билан бир қаторда жиддий нуқсонлар ҳам мавжудлиги кўзга ташланди. Мисол учун, уларнинг иш режаларига кирган мазкур масалага оид айрим тадбирлар ўтказилмаган. Қонуний ҳуқуқлари топталган касаба уюшма аъзоларининг манфаатини ҳимоя қилишда сустликка йўл қўйилган. Ваҳоланки, уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини суд идоралари орқали ҳал этиш лозим эди. Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақининг ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг бажарилишини назорат қилиш ҳар бир ҳуқуқшунос зиммасига масъулият юклайди. Бироқ бу борада ишлар кўнгилдагидек эмас. Баъзи корхоналарда тузилган жамоа шартномаларига меҳнат ҳақини вақтида тўламаган иш берувчининг жавобгарлиги тўғрисидаги банд киритилмаган. Меҳнат қонунчилигига амал қилинишини ўрганилган Хоразм вилоятидаги барча корхона, ташкилот ва муассасаларнинг жамоа шартномаларида меҳнатга ҳақ тўлаш муддатлари ойда бир марта этиб белгиланган. Ҳолбуки МКнинг 161-моддасида меҳнатга ҳақ тўлаш ҳар ярим ойда бир мартадан кам бўлиши мумкин эмаслиги қайд этилган. Хоразмлик касаба уюшма ҳуқуқшунослари бунга эътиборсизлик билан қарашган. Назорат бўш жойда қонунбузилиши шубҳасиздир. Айрим жамоа шартномаларида қонунга зид бандлар ҳам мавжуд. Жумладан, Тошкент тумани меҳнат бўлими жамоа шартномасида ногиронлар билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида банд киритилган. Бу билан иш берувчи нафақат Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси 100-модда 2-қисми, балки «Ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 28-моддаси талабини қўпол равишда бузган.

Жойларда меҳнат шартномаларини ғайриқонуний тарзда бекор қилиш ҳолатлари ҳам учраб турибди. Мисол учун, Хоразм вилояти ирригация автохизмат очиқ турдаги акциядорлик жамияти корхонаси ҳайдовчиси Б.Абдуллаев, Урганч шаҳридаги 10-ўрта мактаб ўқитувчиси Ли Стелла, Питнакдаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги аъзоси Р.Очиловлар билан меҳнат шартномаси бекор қилишда қонунбузилишларга йўл қўйилди. Пировардида улар ёрдам сўраб касаба уюшмага мурожаат этишди. Улар қонунга биноан аввалги ишларига тикланди. Моддий зарар ундирилди.

Ходимларнинг соғлиғига етказилган моддий зарарни тўлашдан бўйин товлаётганлар ҳам қонундан қочиб қутула олишмади. Масалан, Янгибозор тумани Ҳамза номли ширкат хўжалиги аъзоси ногирон К.Рўзметов, «Хоразмқурилиш» ҳиссадорлик жамияти ходими К.Ўрозбоев, «Жанубгазқурилиш» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига қарашли 3-сон қурилиш-монтаж бўлими ишчиси Ф.Генераловлар фойдасига берилиши лозим бўлган ногиронлик маблағи касаба уюшмалари аралашуви билан ундириб берилди. Насос станциялари бошқармасида содир этилган бахтсиз ҳодиса туфайли ҳалок бўлган А.Саидовнинг оиласига 1 миллион 628 минг сўм миқдоридаги нафақа тўлаттирилди. Бевосита касаба уюшма аралашуви билан фуқаролик судлари А.Дзорасовнинг фойдасига 263 минг 413 сўм, Б.Қурбонкелдиевга 430 минг сўм товон пул ундирилиши ҳақида ҳал қилув қарор чиқарди.

Бундан ташқари, текширилган корхоналарнинг аксариятида меъёрий ҳужжатлар, жамоа шартномаси, ички меҳнат тартиби қоидалари, лавозим йўриқномалари, буйруқлар билан ходимлар таништирилмаган. Меҳнат шартномасини бекор қилишда ҳам МКнинг 107, 108-моддалари талаби бажарилмаган. Бунга Авиация ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси тизимидаги Тошкент аэропорти, Учувкомплекси, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси тизимидаги «Ватанпарвар» Қибрай тумани бўлими, Чирчиқ шаҳар ижтимоий таъминот бўлими, Хоразм вилояти касаба уюшмалари тизимидаги Хива, Шовот туманлари халқ таълими бўлимлари, Қўшкўпир туманидаги агросаноат мажмуини мисол қилиб келтириш мумкин.

Жойларда ходимларни ноқонуний ишдан бўшатиш ҳоллари ҳам учраб турибди. Масалан, Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ички ишлар бошқармасининг паспорт бўлими ходими М.Одилова бола парвариш таътилида бўлган вақтида ишдан бўшатилган. Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигига қарашли «Интерсервис» бирлашмаси маъмурияти бир йил муқаддам II гуруҳ ногирони К.Усмонбековни ишга қабул қилганди. Аммо тиббий хулосасиз уни «соғлиғи туфайли бажараётган ишига нолойиқ» деган баҳона билан ишдан бўшатди. Ҳақсизликдан руҳан эзилган К.Усмонбеков касаба уюшмадан мадад сўради. Натижада ҳар икки аризачи ҳам аввалги лавозимларига тикланди.

**Шарофат ИСКАНДАРОВА,**
**«Ишонч» мухбири**

